



АЛИШЕР НАВОИЙ ВА XXI АСР

Алиша тўғри,

[Signature]

Халқаро илмий-назарий анжуман
Тошкент, 2019 йил, 9 февраль

ш. Ҳодиржонов

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети

**«АЛИШЕР НАВОИЙ
ВА ХХІ АСР»**

мавзуидаги халқаро илмий-назарий
анжумани материаллари

Тошкент – 2019

ТИЛШУНОСЛИК

<i>АБДУЛЛАЕВА Роҳила.</i> “Муҳокамат ул-луғатайн” ва замонавий тилшунослик масалалари.....	515
<i>БОБОЖОНОВ Ф., ЮСУФОВА Д.</i> Алишер Навоий ўзбек тилшунослигининг асосчиси.....	517
<i>ДЕҲҚОНОВА Л.</i> Навоий асарлари тилида ғарбий туркий тил унсурлари.....	520
<i>КОМИЛОВА Г., САМАТБОЕВА М.</i> Алишер Навоий ижодидаги аксиологик лектика.....	521
<i>МАҲАММАДЖОНОВ Нематилло.</i> Алишер Навоий ижодида прагматик маънолар талқини.....	525
<i>МУҲАММАДАЛИЕВА Мадина.</i> Алишер Навоий асарларида қўлланган касб-ҳунар номларининг луғавий-мановий хусусиятлари.....	527
<i>НОМОЗОВА Ўғилрой.</i> Алишер Навоий ғазаллари ва китъаларида дейктик бирликлар.....	531
<i>НОРМАТОВ С.</i> Навоий асарлари тили ва туркий луғатчилик тараққиёти.....	533
<i>ҚОДИРОВА Барно.</i> Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида қиёсий тилшунослик масалалари.....	535
<i>САИДОВ Ёқуб.</i> Навоийнинг дунё ва ўзбек тилшунослиги тараққиётидаги ўрни.....	536
<i>УЛУҚОВ Н., АБДУМАЛИКОВА Ш.</i> Алишер Навоий асарларида такрорий сўзлар.....	539
<i>ХАЛИЛОВ Салоҳиддин.</i> Алишер Навоий асарларининг мулоқот нутқи кўникмаларини шакллантиришдаги ўрни.....	542
<i>ХАЙДАРОВА Шаҳноза.</i> Туркий тил жозибаси.....	545

ТИЛШУНОСЛИК ЛИНГВИСТИКА LINGUISTICS

“МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН” ВА ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

АБДУЛЛАЕВА Роҳила
НамДУ
(Ўзбекистон)

Ғарб тилшунослиги систем-структур, антропоцентрик тилшунослик сингари йирик тарихий лингвистик ҳодисаларни бошдан кечирди. Ушбу йўналишлар бугунги кунда алоҳида парадигматик тизимни акс эттиради. Манбаларда систем—структур тилшуносликнинг асосчиси сифатида Ф.де Соссюрга нисбат берилади. Антропоцентрик парадигма соҳалари илдиши ҳам Ф.де Соссюр ғояларидан ўсиб чиққан. Олимнинг издошлари “тилни тадқиқ қилишда сўзловчининг биринчи даражали роли” [2; 89.] ғояси асосида прагматлингвистика, психоллингвистика, социоллингвистика, когнитив лингвистика соҳаларини ривожлантирди. Ф.де Соссюрнинг оламшумул ғояси тил, лисон ва нутқ ҳодисаларининг алоҳида ва ўзаро боғлиқ ҳодисалар эканлигини кўрсатишдан иборат эди. [3; 132.] Ушбу ҳодисаларнинг фарқланиши тилшуносликдаги янги соҳалар ва назарияларнинг вужудга келишига асос бўлди. Ўзбек тилшунослигида тил, лисон ва нутқ масаласи ўтган асрнинг 90 йилларидан бошлаб тадқиқ этила бошлади. Ўзбек тилшунослигида тил, лисон, нутқ масаласи тадқиқи Ҳ.Неъматов ғоялари асосида шаклланган. Ўзбекистонга молик жиҳати шундан иборатки, ўзбек тилшунослиги тарихида тил, лисон ва нутқ ҳодисаларининг алоҳида ҳодисалар эканлигига ишора қилган ўринлар мавжуд. Хусусан, А.Навоийнинг “Муҳокаमत ул-луғатайн” асарида қуйидаги мулоҳазалар келтирилади: “сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдур ва кўнгул мазҳаредурким, жомии маонийи жузв ва куллдур. Андоқки, дарёдин гавҳар ғаввос воситаси била жилва намоиш қилур ва анинг қиймати жавҳарига кўра зоҳир бўлур. Кўнгулдин доғи сўз дурри нутқ шарафига сохиби ихтисос василаси била гузориш ва оройиш кўргузур ва анинг қиймати ҳам мартабаси нисбатига боқа интишор ва иштиҳор топар.” [1; 13.] Жумла образли тафаккур намунаси. Асосий ўзбекистон тилшунослиги лозим бўлган тушунчалар дур, кўнгул ва ғаввосдир. Тил, лисон ва нутқ назариясига биноан дур—сўз, кўнгул—лисон, ғаввос—сўзловчи. Сўзловчи онгида (кўнгул) барча сўзларнинг ягона мукамал варианти бўлади. Сўзловчи лисоний имкониятларидан фойдаланган ҳолда нутқ ҳосил қилади (ғаввослик қилади). Сўзнинг “гуҳари шариф” инсонни ҳайвондан жудо қилган фарқ эканлиги ва умуман, сўз ва унинг қудрати хусусидаги қарашлар, сўзга эҳтиром А.Навоийнинг барча асарларида устувор мавзулардан бири ҳисобланади.

Тил ва нутқ, тилларнинг келиб чиқиши хусусидаги назарий маълумотлар келтириб ўтилган, олим форсий ва туркий тил имкониятларини чоғиштирма усулда кўрсатиб беради. Ушбу жараёнда лексик жиҳатдан устунликка эга бўлган туркийча сўзлар: бир ҳолатнинг даражаланиш босқичларини ифода этувчи сўзлар (йиғламок), қариндошлик муносабатларини ифодаловчи сўзлар, ҳайвонларнинг ёш ва жинс жиҳатдан фарқланишига хизмат қилувчи туркийча сўзлар келтириб ўтилади. Туркий тил лексикасига оид қарашлар от ва сифат сўз туркумларининг ясаилишига доир мулоҳазалар билан давом этади. Шу ўринда ўзбекистонга молик бир жумла мавжуд: “Яна бир адолари борки, баъзи алфознинг сўнггида «ч», «ёй», «чи» лафзидур, орттурурлар, ё мансабнинг ё ҳунарнинг ё пешанинг изхори учун; форсийда йўқтур, балки алар ҳам туркча айтурлар.”—чи қўшимчаси бугунги туркий тиллар учун ҳам унумдор қўшимча ҳисобланади. Олим таъкидлаган қўшимча ифодалядиган маънолар ўзгармаган. Бироқ, қўшимча ёрдамида ясалган сўзлар архаик қатламга мансуб бўлиб қолган: “Мансабда андоқки, кўрчи ва сувчи ва хизоначи ва керак-яроғчи ва чавгончи ва найзачи ва шукурчи ва юртчи ва шилончи ва ахтари йўсунлуғ кўптур. Ҳунар ва пешада андоқки, қушчи ва борсчи ва кўрукчи ва тамғачи ва жибачи ва йўрғачи ва ҳалвочи ва кемачи ва қўйчи. Андоқки, қуш

хунарида дағи бу истилох, бордур, андоқки, қозчи ва қувчи ва турначи ва кийикчи ва товушқон-чики, сорт лафзида йўқтур. Ва алар мазкур бўлгонларнинг кўпин туркча айтурлар.”[1; 21.] – кўшимчаси ҳақида фикр юритилар экан, эътибор қаратиш лозим бўлган қуйидаги жиҳатлар мавжуд. –чи кўшимчаси хусусида олим томонидан билдирилган фикр – мулоҳазалар катта аҳамиятга эга. Кўшимчанинг қўшилишидан кўзда тутилган мақсад кишининг бирон бир касб – ҳунар, фаолият билан шуғулланишига ишора қилиш. Нарса– предмет, воқеа– ҳодиса номига қўшиш усули орқали ушбу предмет билан боғлиқ фаолият олиб боровчи киши англашилади. Замонавий ўзбек тилида неологизмларга –чи кўшимчасини қўшиш ёрдамида сўз яшаш усули кенг тарқалган усуллардан бири ҳисобланади. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, кўшимча асосида сифат туркумига доир сўзлар ҳам ясалади. Кўшимча ёрдамида ясалган сифатлар мантиқан кўшимча ёрдамида ясалган отлар ифодалаган маънодан фарқ қилмайди. Фаолият-жараён, машғуллик маъноси ўз мазмун– мундарижасини сақлаб қолади. Ўз-ўзидан маълумки, ясалган сўзлар киши характерида мавжуд бўлган ижобий ёки салбий хусусиятларни кўрсатишга хизмат қилади. Масалан, ёлғончи ёки ташкилотчи сўзлари.

Ўзбек тилининг изохли луғатида – чи кўшимчаси ёрдамида ясалган инсон характер хусусиятларига ишора қилувчи қуйидаги сифатлар мавжуд: мурасачи, раҳмчи, юзхотирчи, авроқчи, айнимачи, аразчи, баҳоначи, баҳсчи, ёлғончи, жанжалчи, зиёнчи, иккиюзламачи, игвочи, кўзбўямачи, мазақчи, мишмишчи, оғмачи, пичингчи, рашкчи, ўпкачи, тамачи, таслимчи, таъначи, таъқибчи, тақлидчи, таҳдидчи, тилёғламачи, тухматчи, уйдурмачи, фиск – фасодчи, хиёнатчи, чақимчи, шантажчи, шубҳачи, гапчи, ваҳимачи, иримчи, аълочи, халтурачи, қалбакичи, берберчи, ташмачи, ҳадикчи. Ушбу фикрларга асосланган ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, олим томонидан назарда тутилган –чи адосидан мақсад касб, ҳунар, пеша сўзларининг маъносини кенг ва тор доирада таҳлил қилиш мумкин. Тор доирада олинганда ҳунар, касб – кор сўзларини фақат фаолият – жараён билан боғлаш мумкин. Кенг маънода тушунилганда инсон характер хусусиятига айланган ижобий ёки салбий ҳислат назарда тугилади. Ўзбек тилининг изохли луғатида ҳунар сўзининг қуйидаги маънолари келтирилган: ХУНАР – санъат; билим, кўникма, маҳорат, усталик; касб]

1 Муайян кўникма, маҳорат талаб қиладиган, тирикчиликнинг асосий манбаи ҳисобланувчи иш, машғулот; касб. *Ҳунар, ҳунардан унар. Мақол. Йигит кишига етмиш ҳунар оз. Мақол. тт Онам ҳам ўқитувчи, Бир ҳунари – тўқувчи, Менчи аъло ўқувчи.. Қ. Муҳаммадий.*

2 Бирор ишдаги маҳорат, санъат; мо-ҳирлик, усталик талаб этувчи иш, хатти-ҳаракат ..*Хунарининг борин унда билдирган, Кунгурасин пўлатдан қип эндирган. «Муродхон». Конференсье «иккинчи номерда хоҳлаган киши хоҳлаган ҳунарини кўрсатиши мумкин», деб ҳаммани қулдирди.. А. Қаҳҳор, Танланган асарлар. Чекиниш учун ҳам ҳунар керак.. бу ҳам санъат талаб қилади.. Ойбек, Қуёш қораймас.*

3. Одат тусидаги иш, ҳаракат. Аммо эски ҳунарингизни қилиб, отамга чақсангиз, Мендан шафқат кутманг! Мирмуҳсин, Меъмор. *Уйда қовогини осилтириб, кўчада бегона аёлни кўрганда илжасаядиган, тиржасаядиган ҳунарга ўрганди. «Муштум». Кесатиқ ҳунаринг эсингдан чиқдим, деб турган эдим. Ҳарнечук ёдингда экан.. А. Кодирйй, Мехробдан чаён.*

4. Бўлмағур, келишмаган хатти-ҳаракат, қилиқ, одат. *Абдишукур, овозни бунчалик бошқача қилишни кимдан ўргандинг? Хунарингга балли-е.. Ойбек, Танланган асарлар. Фаройиб кучдан «шер» бўлиб кетган болалар тарбиячиларини кўриб хижолат тортиш, изза бўлиш ўрнига гилайлашган кўзларини сузиб, ўз «ҳунар»ларини давом эттираверишди. Газетадан.*

Ҳунар кўрсатмоқ 1) бирор ишга бўлган маҳоратини намоиш қилмоқ. *Лекин энди-ги кўргазмага томоша қилгани эмас, ҳунаримни кўрсатгани бораман. Ғалати пай-вандлар қилганман. А. Қаҳҳор, Танланган асарлар; 2) бўлмағур, келишмайдиган иш, ҳаракат, қилиқ намоиш қилмоқ. Меъёрини билганлар ширин ўтириб, ҳордиқ чиқарди, хурмачасига сизмаганлар ҳунар кўрсатди. Ширин ошга паниша тулиди. Ю. Ражабий, Тўйлар ҳақида ўйлар. Ҳунар чиқармоқ* Бўлмағур, ёқимсиз иш, ҳаракат, қилиқ қиладиган бўлмоқ; шундай иш, хатти-ҳаракат, қилиқни одат қилмоқ. *Мактабда энди йиғилиш бўлиб қолса, уни бўлар-бўлмас-га мақтайдиган ҳунар чиқарди. «Гулдаста». Бош-кўзимни айланттириб, қўлга олдингиз, энди ҳунар чиқаряпсизми? С. Кароматов, Бир томчи қон. Ҳунар қилмоқ* 1) бирор касб-ҳунарни эгалламоқ. *Бўлмагай инсон азиз, ях-иш ҳунар қилмаса. Ёки ўқиб, илм ила ўзни гўҳар қилмаса. Ҳабибий; 2) бирор бўлмағур иш, хатти-ҳаракат, қилиқни касб қилмоқ, одат қилмоқ. Шеър ёзиб, хону хонзодалар зар-дасини қайнатмоқни ўзига ҳунар қилиб ол-*

ган. С. Сиёев, Ёруғлик.[4; 586.] Ушбу изоҳлардан биз учун аҳамиятли маънолар 3 маъно қўлланишида келтирилган кўчма маънолар ва хунар кўрсатмоқ феълининг кўчма маъноси. Хунар сўзининг кўчма маънода қўлланиш имкониятига эга эканлиги инсон феъл-атворидаги хусусиятларни шу сўз орқали (кўчма маънода) ифодалаш имконини беради. Шунинг учун ҳам А.Навоийнинг хунар ва хунар ифодаловчи – чи қўшимчасини турлича талқин қилиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, “Муҳокамат ул-луғатайн” асари филология илмининг барча соҳалари учун бирдек аҳамиятли. Ушбу асарда келтирилган фикр – мулоҳазалар бугунги ўзбек тилшунослигида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Танланган асарлар. 16 жилд. – Т.: Маънавият. 2000.
2. Нурмонов Абулҳамид. Структур тилшунослик: Илдизлари ва йўналишлари. – Тошкент., 2008.
3. Турниёзов, К. Турниёзова, Х. Хайруллаев. Структур синтаксис асослари. – Тошкент., Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «ФАН» нашриёти. 2009.
4. Ўзбек тили изоҳли луғати. 5 жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2006.

АЛИШЕР НАВОИЙ ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИНИНГ АСОСЧИСИ

БОБОЖОНОВ Фарход
ҚҚДУ
ЮСУФОВА Дилрабо
ҚҚДУ
(Ўзбекистон)

Алишер Навоий қайси соҳада иш олиб бормасин хоҳ у шоир бўлсин, хоҳ у вазир бўлсин барчасида ўзидан ёрқин из қолдирган буюк шахсдир. Шу сабабли ҳам Биринчи Президентимиз Ислам Каримов “Барча олижаноб ишларимизда Навоий гоялари, Навоий ибрати, Навоий руҳи бизга ҳаммиса ҳамроҳ бўлсин” [1] дея улуғлаганлар. Дарҳақиқат, Алишер Навоий биз учун ўзидан ўлмас мерос қолдирди. Она тилимизни адабий тил даражасига кўтарди. Навоийнинг туркий тилимизга қилган хизматларини Хуросон ҳукмдори Хусайн Бойқаро қуйидагича баҳолайди: “Турк тилининг о‘лган жасадида масиҳ анфоси била руҳ кюрди ва ул руҳ топқонларга туркий ойин алфоз тор-у пудидан тўқулгон ҳулла ва ҳарир кийдурди”.

Навоийнинг бошқа соҳалар сингари тилшуносликдаги хизмати ҳам бекиёсдир. Тилшуносликка доир фикрлари улуғ сиймонинг ҳар бир асарида, жумладан, “Муҳокамат ул-луғатайн” (“Икки тил муҳокамаси”) асарида, яққол кўзга ташланади. Ушбу асарнинг ёзилиши Алишер Навоийнинг буюк адиб ёки шоирларнинг султониғина эмас, Биринчи Президентимиз таъбири билан айтганда “Авлиёлар авлиёси” эканини кўрсатади. Ушбу асарда ўзбек тилининг лексик жиҳатдан форс-тожик тили каби бой эканлигини таъкидлайди ва мисоллар келтиради. Бу ҳақда «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида “Бу газ лафздурки, ғариб мақосида (мақсадлар) адосида (баёнида) таъйин қилибтурларки, ҳеч қайси учун сорт тилида лафз ясамайдурлар». Яъни бу асарда келтирилган 100 та феълнинг ноаниқ формаси ҳақида гап борадики, уларнинг ҳар қайсиси ўзининг синонимик қаторига эга эканлиги, бу каби хусусият форсий тилда учрамаслиги қайд қилинган. Масалан, *ичмоқ* феълига *синқармоқ*, *томшимоқ* каби феълларнинг синоним бўлишини айтади:

Соқий, тут бодаким, бир лаҳза о‘зумдин борай
Шарт бу ким, ҳар неча тутсанг лабо-лаб синқарай
Ёки:
Соқий, чу ичиб, менга тутар қо‘ш,
Томиший-томиший ани қилай нўш